

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги масжидга зиёратчиларнинг ташрифи давом этмоқда



14:10 / 18.05.2019 1570

Жорий 2019 йилнинг 10 май кунидан бошлаб, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номи масжид иш бошлаганидан буён зиёратчилар ва ташриф буюрувчиларнинг қадами бир лаҳза бўлсин-да, ариётгани йўқ.

Бугун ҳам мажмуа меҳмонлар билан гавжум бўлди. Масжидга Тошкент шахрининг Новза масжиди имом-хатиби Жалолиддин қори домла бошчилигидаги 20 кишидан иборат гуруҳ ташриф буюрди. Зиёратчилар масжид имом-хатиби Исмоил Муҳаммад Содиқ билан учрашиб суҳбатлашдилар, янги масжиднинг фаолияти билан яқиндан танишдилар ва унинг равнақи йўлида кўмакдош бўлишларини маълум қилдилар.



Сухбат якунидан сўнг, пешин намози адо этилди. Сўнгра Жалолiddин қори домла томонидан хатми қуръон қилиниб, жамики ўтган устозлар, хусусан фазилатли шайхимиз Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф руҳи покларига дуои фотиҳалар қилинди.

